

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1049-ҳадис

1049/2321 – عَنْ أَبِي أُمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ رَأَى سِكَّةً وَشَيْئًا مِنْ آلَةِ الْحَرْثِ،
فَقَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَا يَدْخُلُ هَذَا بَيْتَ قَوْمٍ إِلَّا أُدْخِلَهُ الدُّلُّ».

1049.2321. Абу Умома Боҳилийдан ривоят қилинади:

«У омочни ва зироат асбоб-ускуналаридан ниманидир кўриб: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Бу нарса бирор қавмнинг уйига кирар экан, унга албатта хорлик киритилади»**, деяётганларини эшитганман», деди».

Изоҳ: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисларидан қуйидагича маънони англаш мумкин: қайси бир халқ фақат деҳқончиликка муккасидан кетиб, қорин ғами билан овора бўлса, дин, илм-маърифат, давлат бошқаруви ва мудофаа ишлари каби муҳим вазифалардан чалғийди ва душман уларни мустамлака қилади, бу халқ хорликка юз тутди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI